



140704, Иштихон шаҳри, Иштихон ко'часи-4-у  
Тел.: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

140704, з.Иштихан ул.Иштиханская д.4,  
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

2018-й.г «27» декабр  
г.Иштихан

№ 3600-5

Иштихон ш.-

**Иштихон тумани “Бешкапа” МФЙ ҳудудидаги “Булоқбоши” қишлоғида жойлашган бўш ер майдони электрон онлайн аукцион ғолиби бўлган фуқаро Рузиев Зоҳиджон Ғаниевичга “Савдо дўкони” қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 493-сонли қарори ҳамда фуқаро Рузиев Зоҳиджон Ғаниевичга 2018 йил 1-декабрдаги аризасига асосан тумандаги “Бешкапа” МФЙ ҳудудидаги “Булоқбоши” қишлоғида жойлашган бўш ер майдони электрон-онлайн аукцион ғолиби деб топилган фуқаро Рузиев Зоҳиджон Ғаниевичга “Савдо дўкони” қурилиши учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ғолиблиги бўйича “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонасининг электрон-онлайн аукцион натижалари тўғрисидаги 2018 йил 23 ноябрдаги № YU 0706-000002-сонли баённомаси, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддасига асосланган ҳолда,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тумандаги “Бешкапа” МФЙ ҳудудидаги “Булоқбоши” қишлоғида жойлашган бўш ер майдони электрон-онлайн аукцион ғолиби деб топилган фуқаро Рузиев Зоҳиджон Ғаниевичга “Савдо дўкони” қурилиши учун жами 0.06 гектар қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ғолиблиги бўйича “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонасининг электрон-онлайн аукцион натижалари тўғрисидаги 2018 йил 23 ноябрдаги № YU 0706-000002-сонли баённомаси тасдиқлансин.

2. Тумандаги “Бешкапа” МФЙ ҳудудидаги “Булоқбоши” қишлоғида жойлашган бўш ер майдони электрон-онлайн аукцион ғолиби деб топилган Рузиев Зоҳиджон Ғаниевичга “Савдо дўкони” қурилиши учун жами 0.06 гектар қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин.

3. Фуқаро Рузиев Зоҳиджон Ғаниевичга.

а) Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш Бош бошқармасидан архитектура режалаштириш топшириғининг (АРТ-1,2) қисмларини олсин;

б) Лойиҳа ҳужжатларини вилоят, туман мутахассислари тасдиғидан ўтказсин;

в) Лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказсин;

г) Самарқанд вилояти Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясидан рухсат олсин;

д) Бино-иншоотларни қуриш ва фойдаланиш даврида архитектура, санитария ҳамда табиатни муҳофаза қилиш талабларига амал қилсин;

4. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-модда, 6-бандига асосан белгилангандан бошқа мақсадларда фойдаланганда ер участкасига бўлган ҳуқуқи бекор қилиниши тўғрисида фуқаро Рузиев Зоҳиджон Ғаниевич огоҳлантирилсин.


5. Фуқаро Рузиев Зоҳиджон Ғаниевичга қурилиш ишларини бошлашга мазкур қарорнинг 3-бандида кўрсатилган шартлар бажарилгандан сўнг рухсат этилсин.

6. Қурилиш ишлари тугагач, объектни туман қабул ҳайъатига топширсин.

7. Вилоят Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси туман филиалининг рўйхатдан ўтказиш бўлими томонидан ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказсин ҳамда фуқаро Рузиев Зоҳиджон Ғаниевичга ерга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилсин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Ш.Негматов